

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 133 (10.438)

2005 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА СИНТИПАРДА


- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Банклар ассоциациясида ўтказилган тадбирда Тошкент банк коллежи битирувчиларига дипломлар топширилди.
- **ТОШКЕНТ** Ислом университетида исломшунос олимлар томонидан яратилган «Ислом зиёси — ўзбегим сиймосида» деб номланган китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу китоб ўзбек, араб, инглиз тилларида чоп этилди.
- **АЙНИ** кунларда Мировод туманида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқидир» шиори остида маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирокида ташкил этилган семинар давом этмоқда. Ушбу тадбир 23 июлда якунланди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошида ташкил этилган «Лочин» оромгоҳида тарбияланувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Спорт экспресс» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун 284-мактабда «Маънавият ва маърифат» маркази Сергели туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган «Қиз бола одоби — оила кўрки» мавзусидаги давра суҳбатига Собир Раҳимов, Амир Темур, «Тинчлик» маҳаллаларидаги воғга етмаган қизлар, Тошкент Ислом университети талабалари иштирок этишди.
- **ЎТГАН** куни «Қўйлиқ дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятида тадбиркорликни ривожлантиришнинг истикболли режаларига бағишлал ўтказилган семинар «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.
- **БУГУН** 125-мактабда «Қамолот» ЕИХ Мировод туман Кенгаши томонидан «Қатортол», «Толариқ» маҳаллалари ёшлари ўртасида шахмат, шашка, баскетбол, стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилди.
- **БУГУН** Собир Раҳимов маҳалласида «Қамолот» ЕИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан кўча оммавий спорт уйинлари ўтказилди.
- **ЎТГАН** куни Завқий номидаги маданият уйида Собир Раҳимов тумани маҳаллалари иштирокида «Уч авлод учрашуви» мавзусида ўтказилган шахмат, шашка, стол тенниси мусобақаларининг финал босқичи туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

“Фотон” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган янги русумдаги телевизорлар сифатига эътибор қаратилмоқда.

СУРАТДА: телевизор йиғиш цехи устаси **Жамшид Азизов ўз масъулиятини яхши англайди.**

Ҳақимжон Солиҳов
олган сурат



ФАРҒОНА АЁЛЛАРИНИНГ АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲҲР ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар, кайвони момолар, мунис оналар, дилбар опа-сингиллар! Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячиси-дир. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиссда буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азизу муқаррамдир!

Яратувчимиз онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабохатлар қуйиб кул бўлгусидир.

Аёли она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улугланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар. Бугун Она Ўзбекистонимиз айнан ана шу йўлдан бораётгани ҳаммамизга аён. Лекин ўзи танлаган мустақил, барқарор йўлдан бораётган мамлакатимиз тараққиёт айрим ғаразгўй бадкирдорларга хуш келмаётганган ўхшайди - шу боис улар бизнинг дадил йўлимизга ғов ташлаш пайига тушиб қолдилар. Андижон воқеалари ана шу ёвуз ниятни фош қилиб қўйди.

Мухтарам Юртбошимизнинг жасорати, халқимизни энг қалтис вазиятдан олиб чиқиш борасидаги салоҳияти, ақл-идроки, халқимиз, Андижон аҳлининг она-юртага садоқати туфайлигина ганимлар ўз ниятларига эриша олмадилар, юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олди олинди. Аммо бир қатор беғунох одамларнинг ҳам қони тўкилди. Бу қонлар хоризжда туриб айрим фарзандларни ўз ота-онасига қарши қайраганларни, арзимаган чойчақага сотилиб ўз юртининг тинчини бузган, ғаламис ватанфурӯшларни бир кун қелиб албатта тутиши муқаррардир!

Мухтарам оналар, қадрли опа-сингиллар!

Бўлиб ўтган воқеаларга теран нигоҳ билан қарар эканмиз, тинч ҳаётимизни кўра олмаётган бузғунчилар домига илингилар

ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз эканлиги дилимизни оғритади. Ахир, уларни ҳам биз каби оналар дунёга келтирган эмасми? Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини ниқоб қилаётганларнинг қалтис йўлига билиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмоғимиз лозим.

Ўйлаб кўрайлик, бўлиб ўтган муҳиш воқеалар қайта тикланаётган ўзбекона қадриятларимиз, исломий маърифатимизнинг қайси жиҳатларига тўғри келади ўзи?!

Келинлар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч кимдан ҳам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик. Ахир, мамлакатимизда истиклолнинг ўтган қисқа даврида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилмади?!

Азалий бир ҳақиқат бор - асл ўғлон, ҳақиқий эркак бошига қилич келганда ҳам ўз онасига, сингисига, опасига, демакки, Ватанига хиёнат қилмайди! Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик! Кимларнинг авлодлари эканлигимизни бирор дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Керак бўлса, Ватан шайни, шавқати учун жонимизни ҳам беришга тайёр фидойилар бўлайлик!

Биз, фарғоналик аёллар ишонч билан, виждонимизни ўртага қўйиб айта оламизки, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар ҳамтама бўлмасинлар. Ўз тараққиёти йўлидан Президентимиз Ислом Каримов етакчилигида дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз, аждодлари аънаванасига содиқ қолган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Келинлар, бундан буён биз оналар - кипригимиз устид асраб-авайлаб ўстирган фарзандларимизнинг адашиб, ганимлар қўлига тушиб қолишларига асло йўл қўймайлик! Ўзбекистон Алпомишдек алп йигитлар, Ойбарчиндек садоқатли қизлар юрти эканлигидан ҳамиша фахрланиб яшайлик!

XXI сағоси


Барча маъбелардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Андижон шаҳрида «Кўзлар қароғида асранг Ватани» шиори остида вилоят касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ёшлар фестивали ўтказилди.
- Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамкорлигида «Да-стур ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мўлҳка оид ҳуқуқлари. Бугун ва келажак» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Паркент туманидаги Заркент қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги «Орзу» ёшлар клуби «Маҳалла» жамғармасининг ташаббуси билан ўтказилган «Ёшлар ташаббусини ривожлантириш» республика кўрик-танловининг қолиби бўлди.
- Тошкент вилотидаги «Нихол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси томонидан «Мустаҳкам оила — қудратли Ватан» мавзусида 7-болалар фестивалининг дастлабки босқичи ўтказилди.
- Сирдарё вилоти, Боёвут туманидаги «Нодир» ҳусусий фирмасида спорт кийимлари ва мактаблар учун кураш гилмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

- Шотландиянинг Эдинбург шаҳри яқинидаги Гленнигс шаҳарчасида «Қатта саккизлик»ка аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги саммитда яқин бир неча йил ичида мазкур мамлакатлар Африка давлатларига 50 миллиард доллар миқдорда ёрдам кўрсатиши ҳақида келишиб олинди.
- Мальта парламенти Европа Иттифоқи Конституциясини ратификация қилди. Бу келгусида Мальта халқи учун кенг имкониятлар эшигини очди.
- Лондон шаҳрида 7 июлда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида сўнги маълумотларга кўра, 49 киши ҳалок бўлган, 700 киши тан жароҳатларини олган. Ҳозирда ушбу қабиҳ жиноятларни уюштирилганлигини излаш ишлари кетмоқда. Портлашларнинг ўтган йили Мадрид шаҳрида амалга оширилган кўпоруқчилик ҳаракатларига ўхшашлиги сабабли Испаниядан махсус хизмат вакиллари ҳам ёрдамга келди.
- Словакия республикаси 2009 йил 1 январдан евро пул билгиллига ўтди.
- Индонезияда келмаган ҳалокатга учраши натижасида 200 киши ҳаётдан кўз юмди. Қизғин шундаки, мазкур кема 50 кишига мўлжалланган эди.



**Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан**

● Покистон ҳудудининг катта қисми бир ҳафта мобайнида Интернетдан узилиб қолди. Мамлакат тармоғини жаҳон билан боғлаб турган ягона магистрал восита бўлиши сув ости кабелининг шикастланиши туфайли ўтган душанба минтақавий тизим ишдан чиққан эди. Глобал алоқадаги ушбу узилиш покистонлик қатор идораларнинг бир меъёрга ишлашига путур етказди.

● Қозоғистон давлат раҳбари Нурсултон Назарбоев янги муддат учун яна президентликка ўз номзодини қўйишга қарор қилганлиги ҳақида баёнот берди. «Россия» телеканалининг «Вести недели» ҳафталик дастури бу ҳақда хабар тарқатди. Назарбоевнинг айтишича, мамлакатнинг янги конституцияси унга номзодини қўйишга имконият беради.

● Шанхай ҳамкорлик ташкилатига Ҳиндистоннинг қизиқиши ортиб бормоқда. Бу ҳақда Ҳиндистон ҳукумат вакили Навтеж Сарна маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Ҳиндистон ШХТ ташкил этилганидан бошлаб ушбу ташкилот фаолиятини кузатиб келади ва айтишда ташкилот аъзолари билан иқтисодий алоқалар ва терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кенгайтириш ҳаракатида.

● Грузия парламенти ўзгаришлар киритилган мамлакат пойтахти Тўғри-сидидаги қонунни учинчи ўқишда қабул қилди.

● Фаластин маъмурияти етакчиси Махмуд Аббас ХАМАС террорчи ташкилот мухторият ҳукумати-га келиб қўшилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф билан чиқди. Ўзини ошкор этмаган ХАМАС вакили эса бу таклиф ҳар томонлама ўйлаб кўрилишини маълум қилди. Исроил Ташқи ишлар вазирлиги эса бунга муносабат билдираркан, ХАМАСнинг Фаластин маъмуриятига қўшилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.

● Анголада сўнгги тўрт йил мобайнида биринчи марта «полиомелит» хасталиги хуружи бошлангани ҳақида хабар берилди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларга таяниб, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътирофи этилишича, хасталик дастлаб 17 ёшли қизда аниқланган.

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда тadbirkorлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижро этилмоқда. Истиқболда бу соҳани иқтисодиётимизнинг асосий бўлигига айлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида алоҳида тўхталиб, эркин тadbirkorлик фаолияти учун зарур қарорларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш зарурлигига яна бир бор эътиборни қаратди.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тadbirkorлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш бора-сидидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Тadbirkorлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликла-

ри учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Тadbirkorлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»ги қарори айтиш шундай мақсадга хизмат қилади.

Халқаро бизнес марказида мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти ва ижросига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тadbirkorлар Бош прокуратура, Адлия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, тadbirkorлик ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг масъул ходимлари ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон мамлакатимиз-

да хусусий тadbirkorлик етакчи ўрин тутадиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланаётганини таъкидлади. Кичик бизнесни ривожлантириш рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Юқорида тилга олинган ҳужжатлар бу борадаги фаолиятни такомиллаштириб, тadbirkorлар учун янада кенг қулайликлар яратди. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши соҳа ривожига муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Тadbirkorлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланish тартиби жорий этилди. Уларнинг молия-ҳўжалик

фаолиятини текшириш белгиланган тартибда фақат солиқ хизмати органларига юқлатилди. Тadbirkorлар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик қучайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, шунингдек, жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда янги қоидалар жорий этилди.

Бу ҳуқуқий қарорлар бугунги кунда нафақат юртимиз, балки хорижий тadbirkorларни ҳам қизиқтиряпти. Шу боис анжуман иши интернет орқали намойиш қилинди. Мамлакатимизнинг Бельгия, Япония, Жанубий Корея ва Исроилдаги элчихоналарида эса ушбу мамлакатлар тadbirkorлари тўпланган ҳолда анжуман ишини кузатиб борди. Улар телефон орқали ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, тегишли жавоб олдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири**

Мустақиллигимизнинг илк кунларида-ноқ маънавият ва маърифат масалалари мамлакатимиз ривожланишининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган деярли 14 йил ичида биз нафақат иқтисодиёт, сиёсат борасида, балки ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократия тамойилларини қарор топтиришда ҳам, таъбир жоиз бўлса, пойдевор барпо этдик. Демократиянинг асли моҳияти эса — инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборатдир, қолаверса, жамиятда ҳаётга, ўзгаришларга бефарқ қарайдиган лоқайд кимсалар бўлмастлигини таъкидлаш.

Аммо мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни камол топтириш борасида мунтазам, узлуксиз иш олиб бориш лозимдир. Бу ҳаётини ҳақиқат — маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат йўлида хизмат қилиш, одамларни шу руҳда тарбиялаш аввало маънавият ва маърифат намоёндаларининг энг асосий ва муқаддас бурчидир. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, йирик корхона ва муассасалар раҳбарлари Маънавият ва маънавият Кенгашига бирлашган ҳолда, кишилар онгини миллий ўзлигини англаш асосида шакллантириш, умумбашарий ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқ одоби даражасини ошириш, уларни Ватанга, ўз халқига, буюк аجدларидан меросига муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида самарали, тинимсиз иш юритмоқдалар, дейишга ҳақлимиз.

Ҳисобот даврида пойтахт Кенгашининг асосий фаолияти янги қончилик ва меъёрий ҳужжатларни тарғиб этишга, шу жумладан икки палатали парламент моҳияти ва аҳамиятини тушуниришга, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилди. Ёшлар орасида Миллий истиқлол ғоясини татбиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Ўзбекистон Президентининг Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари ролини оширишга йўналтирилган Фармони доирасидаги чора-тадбирлар натижаси улароқ аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни сезиларли бўлиб бормоқда.

Ушбу ишларда авваламбор шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг туман бўлимлари ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур марказ фаоллари нафақат мувофиқлаштириш ишлари билан машғул, балки бевосита маънавий-маърифий тadbirkorларнинг ташкилотчисида. Бугунги кунда деярли барча маҳалла, ўқув юртлари, давлат ва жамоат ташкилотларида марказ бўлиналари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифаси жамоатчиликни дунёда рўй бераётган воқеалардан хабардор қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлардан воқиф этиш, жойларда маданий-маърифий тadbirkorларни ташкил этишдан иборат. Ҳисобот даврида Мил-

латимиз маънавий салоҳиятини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, бу борада авваламбор ўсиб келаётган авлодининг ахлоқий негизларини юксалтиришга ўз маъсулиятини чуқур эши этган кишилар кўмак бўлмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда таъкидланганидек, ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишларнинг моҳиятига ва заруриятига муносабат бирдай эмас, айрим раҳбарларнинг — бу катта корхона бўлади-ми ёки маҳалла — маънавиятга иккиламчи масала сифатида қараш давом этмоқда. Ўз навбатида, ҳануз баъзи доираларда маънавият-маърифат ишлари гўё тегишли марказнинг зиммасига юқлатилган, дея фикр юритилмоқда.

— Ушбу масалада биз, албатта, ўз зиммасидаги маъсулият аҳамиятини ҳар доим сезиб тураемиз, зеро, бизнинг бу йўналишдаги ишларимиз пировадиди давлатимизнинг устувор сиёсати — қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, тафаккурни кенг, иродали шахсларни, юксак маънавият ва маданиятга эга кишиларни тарбиялашни таъкидлаш, — дейди шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раиси Дилмурод Зокиров. — Шу билан бирга, менинг назаримда, ҳар бир онгли инсон ва авваламбор биз, катталар, нима билан шуғулланишимиздан катти назар, дунё ижодиёти чўққиларини забт этишга шай бўлиб турган ёшларимизда ахлоқ-одоб нуқтаи назарини шакллантиришга бор кучимизни сафарбар этишимиз керак. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган авлод ақл-идроки юксак бўлишга интилиши табиийдир, бироқ бу борада миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар доим устувор бўлиб қолиши лозимлигини унутмаслигимиз керак...

Йиғилишда жойларда ўтказилаётган тadbirkorларнинг таъсирчанлигига эришиш лозимлиги таъкидланди, жамоат марказларининг моддий-техник негизини ошириш масаласига ургу берилди ва бу борада туман ҳокимликларида марказнинг айрим бўлимлари ишчиларининг ойлик маоши бўйича қарздорлигини тез кунларда қоплаш юзасидан тегишли амалий чоралар қўриш кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кенгаш таркибига айрим ҳуқуқ-тартибот ҳамда тadbirkorлик тузилмалари вакиллари ҳам киритилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгашининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқадир Тўхтаев олиб борди.

лий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, мамлакатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида яқин ва истиқбол келажака белгиланган устувор вазифаларни тушунириш юзасидан 2 мингдан зиёд тadbirkorлар уюштирилган бўлиб, уларда 1 миллионга яқин аҳоли қамраб олинди. Маҳаллаларда, ўқув юртларида қонунбузарликларнинг олдини олиш, одамларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини оширишга доир давра суҳбатлари, конференциялар доимий тарзда ўтказиб келинади. Ушбу йўналишда амалий ва ижобий натижаларга эришиш мақсадида аксарият ҳолларда шу каби тadbirkorларга танлов мақоми берилиб, улар доирасида энг фаол иштирокчилар мукофотлар билан тақдирланиши йўлга қўйилган.

Маълумки, бундай тadbirkorларнинг асосий ташкилотчилари биринчи навбатда маданият, санъат арбоблари, ҳуқуқшунослар, бошқа фаолият соҳаси вакиллари иборат, шунингдек, бу хайрли ишларда кўнгилли хомийлар, яъни мамла-

лан шуғулланишимиздан катти назар, дунё ижодиёти чўққиларини забт этишга шай бўлиб турган ёшларимизда ахлоқ-одоб нуқтаи назарини шакллантиришга бор кучимизни сафарбар этишимиз керак. Дарҳақиқат, ўсиб келаётган авлод ақл-идроки юксак бўлишга интилиши табиийдир, бироқ бу борада миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар доим устувор бўлиб қолиши лозимлигини унутмаслигимиз керак...

Йиғилишда жойларда ўтказилаётган тadbirkorларнинг таъсирчанлигига эришиш лозимлиги таъкидланди, жамоат марказларининг моддий-техник негизини ошириш масаласига ургу берилди ва бу борада туман ҳокимликларида марказнинг айрим бўлимлари ишчиларининг ойлик маоши бўйича қарздорлигини тез кунларда қоплаш юзасидан тегишли амалий чоралар қўриш кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кенгаш таркибига айрим ҳуқуқ-тартибот ҳамда тadbirkorлик тузилмалари вакиллари ҳам киритилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.



Ёшлар-келажакимиз

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Бугунги кунда ёшларимиз битмас-туганмас орзулар қанотида юксак мақсадлари сари интилишмоқда. Кимдир олий ўқув юртини, кимдир коллеж ва лицейни, яна кимдир мактабни битириб мустақил ҳаёт оstonасида туриб улуг мақсадларни кўзламоқда. Албатта, ёшларимизнинг аксарияти ўзлари севган соҳаларда фаолият кўрсатиб, етук мутахассис бўлиб етиштишни ният қилмоқдалар.

Тошкент Ислон университети қошидаги академик лицейни бу йил аниқ фанлар ҳамда хорижий филология йўналишида 68 ўқувчи тамомлади. Битирувчилар лицейнинг бу йил учинчи қалдирғочлари саналади. Билим маскани педагогларининг бугунги кундаги асосий мақсади таълим ва тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш, шу билан бирга Ватанимизга муносиб етук мутахассис кадрлар етказиб беришдан иборат. Лицейда ўқув жараёнини замон талаблари, асосида ташкил этиш мақсадида ўқитишнинг замонавий компьютер технологиялари билан фойдаланишга катта эътибор қаратилган.

Кунни кеча лицейни битирган ўқувчиларга диплом топишириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда институт ректори Зухриддин Хусниддинов сўзга чиқиб ўқувчиларга келгусида ўзлари орзу қилган олий ўқув юртиларига кириб ўқишлари ва келажакда буюк Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб етиштишлари учун омадлар тилади. Шундан сўнг ўқувчилар-

га дипломларни топшириш маросими бошланди. Шунга айтиш жоизки жорий йилдан бошлаб лицейда автомобиль тайёргарлиги бўйича ўқувчиларга билим берилди. Ўқувчилар Давлат автомобиль назоратидан имтиҳон топириб «В» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлдилар.

Маросим сўнггида қалби қувончга тўлган ўқувчилар ҳамда ота-оналар устозларига қарата ўзларининг самимий дил сўзлари ва миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

— Бу кутлуг даргоҳда уч йил тахсил олиб, азиз устозларимиздан жуда кўп нарсаларни ўргандик, — деди Наргиза Обидова. — Лицейда ўтган йилларимиз ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Бу даргоҳда ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни чуқур эгаллашга интилдик. Устозларимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатлари, ўғитлари, билимлари, кўрсатган ғамхўрликлари бизнинг келажакда қомил инсон бўлиб етишишимизда муҳим ўрин эгаллайдилар. Биз устозларимизга раҳматлар айтиб, миннатдорчилик билдираемиз.

— Дарҳақиқат, университет

қошида ташкил этилган лицейда бугунги кунда ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган, — дейди академик лицей директори Содир Абдуллаев. — Бу ерда малакали ўқитувчилар ўқувчиларга турли фанлардан чуқур билим беришади. Ўқувчиларимиз орасида ҳам ўткир зеҳнли, билимга чанқоқ ёшларимиз кўпчиликини ташкил этади. Бу йил Фарҳод Тошкентбоев ҳамда Моҳира Абдуллаева сингари ўқувчиларимиз лицейни имтиёзли диплом билан битиришди. Уш ўқувчиларимиз эса Америкада тахсил олишмоқда. Биз бундай келажакда порлоқ ўқувчиларимиз билан фахрланамиз. Битирувчиларимиз албатта шахримиздаги барча олий ўқув юртиларига билим олишлари мумкин. Уларнинг ҳозирда қалбларидан орзулари бир олам.

Дилорам ИКРОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент Ислон университети қошидаги академик лицей ўқувчиларига дипломларни топшириш маросимидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Танловлар

ЭНГ ЯХШИ ҲОЯ СОҲИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мана икки йилдирки, кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш соҳасида ислохотларни амалга ошириш, ёшларга таълим бериш сифатини ошириш ҳамда уйғун ривожланган ва мустақил фаолият юритишга тайёр бўлган шахсларни шакллантиришдек халқли мақсадларни кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ЕИХ LG Electronics Inc компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши Ҳося» танловини ўтказиб келмоқда.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш, ёшларда мавжуд интеллектуал имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, истеъдодли ёшларни излаб топиш ва фан соҳасига кириб боришини таъминлашга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишга йўналтирилган ушбу танлов шартларига кўра дастурий таъминот тизимидан самарали фойдаланиш, энергиядан фойдаланиш ва уни сақлаш бўйича, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, мавжуд технология жараёнлардан самарали фойдаланиш борасидаги энг яхши Ҳося номинациялари ўрин олган. Унинг иштирокчиларини эса 11 ёшга ҳамда 17 ёшга бўлган мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар ташкил этади.

Бу йилги танловга жами 118 та иш юборилган бўлиб, ташкилий қўмита барча ишларни кўриб чиқди ва 10 балли тизим бўйича энг яхшиларни танлаб олди. Бунда Ҳосянинг долзарблиги, унинг аниқ ва равшан ифодавланиши, мазмунининг мустақил таҳлили, асосланган ҳулосаларнинг баён этилиши, ўз Ҳосясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган ижодий ёндошишга алоҳида эътибор қаратилди.

Кунни кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Йилнинг энг яхши Ҳося» танловининг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мажкур танловнинг ёшлар ижодкорлигини ошириш, иқтидорларини очиб ва жуда фойдали ранг-баранг Ҳосяларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим ўрин тутатганини алоҳида таъкидлаб, энг яхши Ҳося соҳибларининг номлари эълон қилинди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, «Йилнинг энг яхши Ҳося» танлови гоилиблари орасида Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг бир йўла 2 ўқувчиси бор. Жумладан 3-синф ўқувчиси Улуғбек Маматкулов Ҳосясининг мавзуси «Шаҳар оқова сувларининг сайнтар аҳолини яшаш» масаласига бағишланган бўлса, 4-синф ўқувчиси Маликабону Мирхамидова «Электрон бешик» яратиш Ҳосясини илгари сурган. Шаҳримиздаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Абдор Исмоиловнинг «Сув тозаловчи машина» Ҳосяси ҳам мутахассислар эътиборини тортиди.

Танловнинг барча гоилиблари ҳомийларнинг қимматбаҳо совгалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Муҳокама, мунозара

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Менинг касбим қурувчи. Катта оиланинг қарвонбошисиман. Кек-сайган онам, хотиним ва 8 та катта-кичик фарзандларим бор. Болалардан тўрттаси ўғил-қоғил бўлиб кетишган. Тўртта кичиги биз билан бирга яшайди. Етти жон Чилонзордаги кўп қаватли уйларнинг иккинчи қаватида жойлашган тўрт хонали уйда истиқомат қиламиз. Биз яшаётган хонадон рўпарасидаги икки хонали уйда Робия исмли онахон яшарди. Саксон ёшга қоралган бу инсон яқка-ёлғиз, анча муқиллаб қолганди. Биз оиламиз билан онахонга баҳолан-қудрат ёрдамлашиб турардик.

Бир кунни маҳалламиз оқсоқоли ҳузурига қақириб қолди. Сабабини билиш учун у кишига йўлиқдим.

— Олимжон, биламан, жўжабирдек жонсан. Озми-кўпми ишқилиб топиб-тутиб, оилангни тебратиб турибсан. На бўлса-да, бир савобли ишни сенинг зимманга юкламоқчиман. Биласан, сизлар билан бир қаватда яшовчи ён қўшнинг Робия кампир ёлғиз, ҳеч ким йўқ, бунинг устига ётиб қолибди, ҳола бечора. Шунга сен оталигинга олсанг. Иссиқ-совуғидан, ётар-тураридан оиланг билан бақардор бўлиб турсанг, — деб қолди.

Мен анчадан бери хонадонимиз аъзолари билан кампирга ҳам-дард, ҳамсоя бўлиб турганимизни айтдим.

— Раҳмат, ука. Қарияларнинг дуосини олсанг кам бўлмайсан, — деди оқсоқол миннатдорчилик билдириб.

Уша кунни фаоллар билан жамулжам бўлиб, онахоннинг олдига кўрган кирдик. Чиндан ҳам ҳола ётиб қолган экан. У бизни кўриб қаддини кўтарди, қўлини дуога олди.

— Мени сийласанлар, сизларни Худо сийласан. Ёлғизлик жонимдан ўтди. Айниқса, қариянинг бу сўянчиғинг бўлмаса қўйин экан. Яхиямки, бахтимга сизлардек меҳр-оқибатли кишилар бор. Бўлмаса, ҳолим не кечарди.

Онахонга тасалли бердик. Ҳазил-хузул гаплар билан кўнглини кўтардик. Уша кундан бошлаб Робия ҳола билан дастурхонимиз бир бўлди. Онахонни ёлғизлатиб қўймадик. Гоҳ у хонадонда, гоҳ бунисида бирга ётиб, бирга турдик. Хуллас беш йил Робия кампир биз билан бирга яшайди. Шу давр ичида уни биронта яқинлари сўраб келмади, ҳолидан хабар олмади.

Вақти етиб Робия ҳола бандалики бажо келтирди. Ўғил ўрнида ўғил бўлиб уни ўзимиз дафн қилдик. Барча маросимларни ҳам оиламиз билан баҳамжиҳат ўтказдик. Кампир ўз розилиғи билан кўзи тирикчилигида шу ўтирган уйни бизга қолдиришга васият қилганди. Маҳалла фаоллари иштирокида васиятномани нотариус орқали расмийлаштириб олгандик. Ҳозир бу уйда кичик ўғлим оиласи билан туради.

Робия хонанинг йили ўтган, унинг Кўкон шахрида яшовчи ўғай қизи (биз бундан бутунлай беҳабармиз, ҳола бу ҳақда бизга мутлақо оғиз очмаган) бор экан. Уша «онаси» ўлганини эшитиб келганмики. Ҳозир шу ўғай қиз (онаси тирикчилигида бир кун, ҳатто бир соат хизматига ярамаган) биздан «Уйни қайтариб берасизлар ёки уни баҳолаб ҳақини тўлайсизлар» деб даъво қилляпти. Хўш, биз энди қандай йўл тутишимиз керак? Бу ҳақда сизлар нима дейсизлар, азиз одамлар?

Олим ХОЛДОРОВ

АЙРОНДАН ҲАЙРОНМИЗ

Иссиқ кун сайини забтига олапти. Бундай пайтда кўчада юрган киши борки, сувталаб бўлади, муздеккина бирор нарсани ичиб чанқоқини қондиришга уринади. Яқинда бизда ҳам шундай ҳолат рўй берди. Аёлим, кичик қизим биргаликда болаларга кийим-кечак харид қилиш учун Ёски Жува бозорига бордик. Бола-бола-да, қизимиз сув ичгиси келатганини айтиб хараша қилвердик.

— Муздек айрон. Танангизга даво. Инган дармонда, ичмаган армонда, деб бақириб-қақириб қилиб юрган болани тўхтатдик. Ҳаммамиз унинг кўлидаги катта челақда лиммо-лим тўлиб турган айрондан бир пиёладан ичдик. Чиндан ҳам айрон муздек экан. Чанқоғимиз қонгандек бўлди.

Мулжалдаги бозоримиз бўлган, уйга қайтдик. Йўл-йўлакка қизимизнинг иситмаси кўтарилиб, тоби қочиб қолди. Иссиқ таъсир қилди, шекилли, деб ўйладик. Ўзимизча мулоҳаза қилиб кўрдик бўлмади. Тобора касали оғирлашиб бораверди. «Тез ёрдам» қақирлишига мажбур бўлдик. Шифокор келган, сўраб-суриштирув бошланди. Айрон ичганимизни айтдик.

— Чакки қилибсиз. Қўлбола айрон тайёрловчилар кўпинча тозаликка, махсулот тайёрлашнинг оддий қонун-қоидаларига амал қилмайдилар. Ҳозир айрон, қимиз, кўча-қўйда яширинча сотилаётган туршак сувини ичиб шифохонага тушаётганлар анча-мунча топилади. Қизингизга ҳам ўша айрон ёқмаган. Уни зудлик билан касалхонага ётқизиш керак, — деди беморга биринчи ёрдам қўрсатган шифокор.

Уша кунни, ўша фурсатда қизимизни шифохонага олиб кетишди. Бола билан овора бўлиб ўзимиз билан ишимиз бўлмабди шекли қўп ўтмай, аёлим, кейин ўзим қўзилиб қолдик. Хуллас, оиламиз билан касалхонада бир ҳафта даволанишимизга тўғри келди. Уша-ўша кўча-қўйда, аҳоли гавжум жойларда «муздек айрон» деб бақириб-қақириб юрганларни кўрсам ҳайрон бўламан. Ишқилиб буниси қондила қилиб тайёрланганимкан ёки ўша биз ичган айроннинг нуҳасимиздан, деган ҳаёлга толаман. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб экан-да. Айрондан ҳайрон бўлишимнинг боиси мана шунда.

Қодир АХМЕДОВ

ШАМОЛ БЎЛМАСА...

Аёлим билан нафақадамиз. Биз ҳам ёз пайти қарияларга хизмат қиладиган бирон бир оромгоҳга бориб дам олайлик, деган ниятда тузман ижтимоий таъминот бўлимига йўлланма олиш учун рўйхатдан ўтиб қўйганмиз.

Ўтган йили сўраб-суриштирсак «Ҳали сизга навбат келишига бир йил бор, янаги йилнинг июлида келасиз» дейишди, ижтимоий таъминотнинг йўлланма бериш бўлимидагилар.

Йил ўтиб айтилган вақтда бордик. Бу сафар жавоб бошқача бўлди. «Ҳозир йўлланма йўқ. Навбатга ёзилганлар жуда кўп».

— Қачон навбатимиз келиши мумкин?

— Билмадим, аниқ вақтини айтолмайман. Кеч қўз ойларида бўлиши мумкин. Келиб бақардор бўлиб турунг. Ёки кўнгирак орқали биз билан боғланиб турунг.

Тарвузим кўлтиғимдан тушиб уйга қайтдим. Аёлимга бор гапни айтдим.

— Шунга ҳам эплай олмадингизми? — деди у қўлиб. — Ахир йўлланма йўқ, навбатдагилар қўп бўлса, нега қариндошимиз Сапураҳонлар ҳар йили айни ёзда шу ижтимоий таъминот бўлимининг йўлланмаси билан турли оромгоҳларда дам олиб келишадилар. Ҳамма гап чой-чамада қолган отаси. Сиз ҳам ўшагақай йўл тугсангиз бир зумда йўлланма кўлингизга тегарди.

Ким билсин балки аёлим ноҳақдир. Лекин негандир шу пайтда «шамол бўлмаса, дархатнинг учи қимирламайди» деган мақол ўз-ўзидан ҳаёлимга келди.

Ҳусан ОЛЛАЁРОВ

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
маркази материаллари асосида
Сарвар СОБИРОВ тайёрлади

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЙ
ДОНА БУЛАР...

● Қалби пок ота — пок авлод асосидир.

● Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

● Яхши либос хусни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт — доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат — худбин, қўрқок ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир доғишманд дебди: — Сафол жомнинг бутунлиги чертиб билингандек, одамга ҳам ғайрига ғалига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш доғишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйиним ёр берибди. Эндилекда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўзиндагина мукамал бўлади.

Байт:

Кимки ўрганиши уят-ор демас, Сувдан дур топади, тошдан лаъл олмос.

● Алишер Навоий айтди: — Тилинг билан кўнглингни бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.

Ҳикоят. Луқмони Ҳакимни бир киши даргоҳида хизмат қилди ва ундаги илму ҳикмати гоҳи-гоҳида сынаб кўрарди. Бир кун имтиҳон тарзида буорибди:

— Аё Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва қўйни сўйиб тили билан юрагини хожасига келтириб берибди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна қақириб дебди:

— Аё Луқмон, бир қўйни сўйганда, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Хожа дебди:

— Бу нечук асрорки қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам тил, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг?

Луқмон дебди:

— Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

Бу оламда кишиким пок калбу соф ботиндир, Ҳақиқат фикр кунжиди қаноат бирла сокиндр.

● Беш ҳислат кишини ҳар ерда азият қилди, унинг дўстни кўпайтириди: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шор қилса, тухмат қилишдан этак силкитса, хушхул, суҳбат одобида риязот.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида

ИХ

Одамлар тўпчилиб улфатчилик қилиб турган таъхонада турли табақдаги кишилар — амирлару баҳодирлар, аҳли тижорат вакиллари, яширинча келган давлат одамларини ҳам учратиш мумкин эди. Таъхонанинг кўкнорихоналик вазифаси ҳам бор бўлиб, айримлар наъки тортиш, кўкнори ичиш, тарак тотиш, ҳатто қора дори ейиш учун ҳам кириб ўтардилар.

Гоҳ-гоҳда "шайъанлило"ни айтиб ридой муҳаммадийга бурканган, бошига қулоҳи аҳмадий кийган, елкасига қашқул илган, белларига анвойи латталар боғлашиб олган қаландарлар ҳам жўшу хуруш ила келиб қолардилар. — Бир четда уларнинг ҳам ўз жойлари бор эди.

Одамлар бу ерда ўзларини эркин сезишар, ҳар ким ўз даврасида нақ подшо мартабасига минарди. Кўпинча, таъхоналар соҳиблари хориждан келганлардан бўларди. Аммо бу таъхона урғулик бир бадавлат одамга қарашли эди, уни ўша одамнинг Уста Шўнқор деган гулаштаси бошқарарди. Одатда номини айтиб ўтиришмас, қисқасига қилиб: "Устанинг таъхонаси" деб аташар, бориш ҳақида гап кетса: "Устаники...!" деб қўйишарди.

Уста Шўнқор исмига яраша тўладан келган, пахлавон сифат, қайғу-ғамдан кейинроқ турган жуда ҳам хушчақчақ бир одам бўлиб, каттагина бурнининг учи хамиса қизариб юрар, келбатига қараганда қадам олиши қаққоронқ эди. Таъхона ховлиси ёз вақтларида жаннатга айланарди, айниқса, ҳовлидан каттагина ариқнинг оқиб ўтгани бутун атрофни файзли қилиб юборарди. Қиш вақтларида ҳамма бўйи йигирма, эни ўн беш қадам чиқадиган каттагина хонага кириб олар, ўнта сўри доим банд бўлар, атроф ғалоговурга тўлиб кетарди.

Ахий Жаббор баҳодир шериклари билан таъхонага кириб келганда хонада бўш сўри қарийб йўқ эди.

— Ассалому алейкум, уста!.. — деди баҳодир.

Ва алейкум ассалом!

Уста Шўнқор одатдагидек хушчақчақ тарзда меҳмонларини қарши олди.

— Ўнг бурчақдаги сўрига ўтаверингизлар, баҳодир жаноблари!.. Тишини каватига сақлаб турибмен...

Аваллари тез-тез кириб турадиган Ахий Жаббор баҳодир Оқиз билан тўйларни бўлиб ўтгандан бери бу ерга қадам изи босмади. Чунки, унинг бор роҳат-фарогати Боғи Чинордан янги келин-куёвларга теккан мўъжазгина хонада эди. Аммо Учқора, Ланалтекин ва бошқа сипоҳлари: "Муборак бўйсин! Қанон бизга ўтириш қилиб берасиз?" деб ҳол-хонига қўйишмади. Унинг устига, ўзи ҳам валламатлиги тутиб кетиб: "Зиёфат қиламен!", деб ваъда бериб юборган экан.

Икки сўри нарида уч киши ўтирдилар. Йўғон овозли чап қўзи сал ғиларик орик одам гап бермоқда, у бошқалар олдида нозик кўринмаслик учун кун иссиқ бўлса ҳам доим ута чопонни устма-уст кийиб юрарди. Ёнидаги пакана хўпсамиз киши дамба-дам уни нима дегиди-да, суҳбатдошининг елкасига енчил уриб, ингичка овозда қўлиб қўяди. Учинчиси гапга аралашмайди.

Ахий Жаббор баҳодир орқа ўгириб ўтирган одамни хисобга олмаганда қолганларини авваллари ҳам бу ерда кўп кўрган. Зарофат эгаларидан бўлган Орик билан Пакана, давраларда хамиса қизик гаплар айтиб атрофдагиларни қулдиришар, янгиликлардан бохабар этиб туришар эдилар.

— Мен сенга айтсам, Амир соҳибқирон хотамтойлик кўргизди, бошини силади, тириклик қўзини нурлантиришга ҳаракат қилди... — деди орик одам йўғон овозда.

Баҳодир гап Зиндачашм олардий ҳақида эканлигини фахллади. Гапирган киши унинг исмига ишора қилаётган эди. Чамаси, хиладан бери шу ҳақда мунозара бораётган кўри-нард.

— Тириклик қўзи нобино бўлди... Қилимиш-қидирмиш... Бас қилайлик бу гапларни! Тагин бизга касофати тегиб юрмасин, ака! — Қўлини шоп қилди ингичка овозли пакана одам.

— Гапнинг тўғри, ука... — деди Орик. — Қўй уни. Лекин бошқа нарсадан ташвишдамен. — Нимадан экан, ака?

— Олтин Урда хони билан уруш бўлади-ёв... Уруш бўлса ёмон-да... Ишқилиб, баттолнинг юзини тескари қилсун...

— Рост айтасиз, ака... — тасдиқлади Орикнинг сўзини Пакана. — Эшитдимки, Қамариддин дуғлат Андижонга бостириб қалаётган эмиш...

— Оббо, лаънати-ей! Яна-я? — Хоразмшоҳ Бухорий ҳужум қилибди. Маҳмудшоҳ Бухорий дарвозани очиб берибди... Маҳмудшоҳ Бухорий кетворган уйинчи эди. — деди Орик. — Амир Кайхусравнинг ўли Сўлтон Маҳмуднинг тўйида роса ўйнаган... Ўзим кўрганмен...

— Барини адабини бериш керак! — деб юборди шу пайтгача гапга қўшилмай орқа ўгириб ўтирган одам.

Уларнинг нариги ёнидаги сўрида эса беш-олти киши дунё билан ишлари йўқ, иккига бўлиб берилиб нард ўйнашарди.

Чап томондаги кунжақда энг охириги сўрида Наддофлар маҳалласидан бўлган, Самарқандда таникли, ёши саксонларга борган аммо ҳали тетик, бақувват Эсон бува улфатлари билан гаштак қиларди. Улфатларнинг бири Зоминдан, иккинчиси Ургутдан бўлиб машхур нашавадлардан эдилар. Улар шакарғуторлик қилиш учун атай ўша ёқлардан тез-тез Эсон бува олдида келиб туришарди. Учовлари тўпчилиб дамба-дам чилим тортишиб, кўкнори ичишар, чархи қажрафторнинг шева-лари ҳақида мириқиб суҳбатлашар, дунёнинг нақ тағига етишганди бўлишарди.

Мана ҳозир ҳам Эсон бувалар улфати чор бўлиб ўлтиришган экан. Эсон бува сархонага тамаки-ю наша солиб наъки тортишга турди, чилим хўриллаб садо берарди. Ҳар тортганда: "Ҳў-хў! Ҳў-хў!..." деб йўталиб қўяр, ортидан "Қиршо-о! Қиршо-о-о!..." сўзлари эшитиларди. Бу унинг ектирган сўзлари бўлиб, аммо маъносини биров тушунмас, тушунишга уринмасди ҳам. Эсон бува ёнидаги Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб ўлтирган одамга чилимини узатди. У одам ҳам сархонани хўрил-

Ўзбек адиблари — "Оқшом" учун

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУҒ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

латиб бир-икки тортган, шеригига берди... Чилим давра айлана бошлади.

— До-од, поёнсиз дунё!.. Торға тор-у кенга — кенг дунё! — деб юборди наватдаги наъкинни тортиб Эсон бува. — Аллоҳ қудратини қўрай десанг — баланд тоғларга бор! Ҳў-хў-й! Ҳў-хў-й!.. Туби йўқ денгизларга бор, такадай сакраб, учқур тойдий ўйноқлаб оқадиган шошқин сойларга бор... Қиршо-о! Қиршо-о-о!..

Ахий Жаббор баҳодирлар дастурхонидан ҳам егуликлар пайдо бўлди, кейин бўйи беш қарич-ча, қорнига айлана қилиб гул солинган қўлоқ-ли кўзада бўза ҳам келди. Учқора апил-тапил хизматга киришди. "Хушбод ва нушбод" дея бир коса-бир коса бўзадан отилди. Димоголар исий бошлади...

Ахий Жаббор баҳодир кунжақдаги бангиларга қараб турар экан, нимадир эсига тушиб қолдики, уларга ишора қилиб шерикларига деди:

— Бир кун Эсон бува кўкнорининг ҳали пишмаган кўм-қўқ қўшқаридан бир нечасини олиб қосанинг устига ёлган дастурмолга солиб ивтибди, кейин дастурмолни яхшилаб тутиб обдон эзиб ширасини чинни косага тўлдириб қўйибди... Жигарранг қаҳрабодай тип-тиник кўкнорига термилиб ҳаёлга берилиш — дунёнинг энг аҳойиб лаззатларидан бири экан-да... Кўкнорини ичишдан эмас, балки уни ичиш, ичганда қандай завқларга берилиш, энг муҳими, ҳали бу завқлар олдинда эканлиги ҳаёли гашти маст қилади уларни...

— Ох, ох!.. — деб юборди чап томонда ўтиргандардан бири.

— Алқисса, Эсон бува чинни қосани олдида қўйиб қўзларини юмганча, ана шу косадаги кўкнорини ичмас, нечоғлик роҳат қиларкинман, дея ҳаёлга берилибди... Шу палла бирдан катта семург қўш учиб келиб, Эсон бувага: "Оёқларимдан ушла!" деганди ишора қилибди. Эсон бува апил-тапил қўшини оёқларидан ушлаб олибди. Семург кўтарилмай деганда, қаёқдандир зоминлик улфати пайдо бўлиб қолди, у ҳам Эсон бува оёғидан тутибди. Осмон-фалакка парвоз қилган семург учиб кетаверибди, учиб кетаверибди, нийҳоят бир жойга бориб қўлибди. Қарашса, хумда тилла қайнаб ётган эмиш!..

— Қаредларим, биз ҳам борардик... — деди кимдир ўнг ёқдан.

— Тагин борсангизлар мени ҳам олиб кетингизлар!.. — қўшилди яна биров.

Гап қизиб, хонада ҳамма Ахий Жаббор баҳодирга кулоқ сола бошлади. Эсон бува бундай ҳазилу талқоқчиликларга ўрганиб қолган, уларга қилиб қарарди.

— Эсон бува улфати билан роса тилладан олишибди, чўнтақларнинг бари тиллага тўлиб кетибди! — давом этди баҳодир. — Семург яна парвоз қилибди, Осмон-фалакларга етганда Эсон бува зоминлик улфатига:

"Хумни қара катталигини!.. Бунақасини ҳеч кўрмагандим!.. Во-о-о!.. Худо берди-да!.." дебди мамун.

"Жудам катта эмас эди... — дебди зоминлик. — Йўқ... Катта эмас эди... Оддий хумлардан-да..."

"Катта эмас эди, дейсанми? Қўйсанг-чи! Жуда катта эди!..."

"Ўзим кўрдим-ку, хум кичкина эди! — бўш келмабди улфат. — Қў-е! Ҳатто оғизга қўл ҳам сиймасди... Роса қийналдим-ку қўлим сиймасдан..."

Бахс қизигандан қизибди. Эсон буванинг фиғони фалакка чиқиб:

"Ҳай!.. Йе!.. Одамни бундай бўғма!.. — дебди. — Хумнинг катталигини кўра билла туриб

йўқ дейсан-а! Мен сенга айтсам, хум тандирдай эди, билдингми?.. Ҳа, тандирда-а-ай эди! Узинг кўрдинг-ку! Катталиги нақ мана бундай келарди!.." — Эсон бува жаҳл ичида қўлочини ёзиб кўрсатаман, деб семургнинг оёғини қўйиб юборибди! Иккиси ҳаш-паш деғунча осмон-фалакдан ерга қўлаб шувиллаб тушиб кетишибди!.. Жон ҳўлатда қўзини очган Эсон бува хўшига келиб қараса, олдидаги коса қийшайиб ётганини, ичигада қаҳрабодай кўкнори ерга тўқилиб кетганиниш... Ҳаёлда туртиб юборган экан...

Хамма қаҳ-қаҳ отиб қилиб юборди!.. Овозлар ичида Орик билан Пақананики йўғон ингичка бўлиб алоҳида ажралиб турарди.

Эсон буванинг ўзи ҳам яйраб, маза қилиб қулди. Шу палла Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб ўлтирган киши ялт этиб қарарди. Баҳодир ҳайратда қолди: у — Амир Мусо эди! Ўнбоши аввал эшитганди: қаршилик амир ўзининг жўралари Амир Кайхусрав, Зиндачашм олардий ва бошқалар билан вақти-вақтида чилим тортиб туришар экан. Чамаси, қадимдан ўрганилган, Шаҳрисабдан пойтахтга келган пайтларда ҳам бу ерга кириб турарди. Амир Мусо ўлига соҳибқирон қўзини олиб бергандан кейин хотиржам шундай гаштакларга

ружу қўйган шекилли... Ахий Жаббор баҳодир ўзини кўрмаганга олди, дастурхонга эгил-иб у-бу еган бўлди.

Шу палла нард ўйнаётганлар тепасида турганлардан бири сўз очиб қолди:

— Ундан аввал ҳам қизик ҳодиса бўлган экан... Бир кун Эсон бува уч-тўрт жўралари билан кўкнорини эзиб косага қўйиб, ўшандай ширин ҳаёллар оғушида ўтирган эканлар.

Қаёқдандир бир мушук хонага кириб қолди. Улар "Ҳай! Ҳай!.." деб ҳайдай бошлабдилар. Ўзини қаёққа уришни билмаган мушук қочиб кетайтиб бир оёғи косага тушиб қолди!..

"Йе! Энди нима бўлади? Кўкнори ҳалолми, ҳаромми?.. Ичса бўладими?.." — дебди Эсон бува. Илгари бунақаси ҳеч учрамаган экан.

"Кўкнорини ичиб бўлмаса керак..." — дебди бошқаси.

"Имом домладан сўраш керак, имом домладан!.." Маслаҳат берибди учинчиси.

Имом домлага одам юборибдилар. Имом домла: "Тез ўша мушукни топинлар ва косага тушган оёғини... кесиб ташланлар! Ҳаром бўлди..." деб ҳукм чиқарган экан...

Тагин гуриллаган қўлу овозлари эшитилди. Қўлгулар таъсириданми Орик билан Пакана ҳазил-мутойибани бошлаб юбордилар.

— Сен пақанасан, мен ориқман, ука... — сўз бошлади Орик...

— Пақанаман, ака... — Худо бизларни шундай яратган-да, буни қара! — деди Орик... — Худди сенга ўхшаган пақана-ю менга ўхшаган ориқ одам бор экан...

— Шунқаман... — деди мийғида қулиб Пакана.

— Шу десанг, Ориқ доим Пақанани ўйларкан, шу уқанингинг кўнгли чўкмасин, дер экан-да. Бўйи паст-да... Кўнгли чўкмасин, дер доим олдида солиб юраркан...

Қўлу кўтарилди. Пакана ҳам бўш келмади: — Пақана ҳам анойи эмас экан, ака... — Шунқаман... — мийғида қулиб қўйди Орик.

— Пақана ҳам анойи эмас экан. Бўйи айтганингиздай паст-да... Одамлар сўраса, сен пақана қандай қилиб катта бўлдинг, воёга етдинг, деса, ориқни кўрсатиб, шуни кетидан одам бўлдим, деркан...

Кийкирки овозлари таъхонани тутди. Ҳамама наъша қилгани кўриниб турарди. Одамлар: "Ҳа, Пақана улоқни олиб кетди, олиб кетди!.." дейишарди.

Орик дарров жавоб берди: — Ориқ айтибди: менинг кетимдан одам бўлганим тўғри, дебди. Энди биров сўраса, тортинма, мени шу одам қилган, деб айтaver!..

Қўлгудан барчаннинг қўзлари ёшга тўлди. Баъзилар юмалаб қолдилар. Ютқизаётганини сезган Пақана заифларнинг қорасиз қолганда қўллайдиган усулга ўтди: ҳажв тигини рақибининг нуқсига қаратди.

— Зўр созандамен, ука... — Бу уйда чоғу асбоблари кўп экан, қўзингиз яхши кўрмайди шекилли... — чандиб олди Пақана. — Қўлингизга менинг асбобим тушиб қолганди, ўзиникини деб маъкам ўшлаб олиб ҳеч қўйиб юрбаймасиз-а, ака...

Таъхона портлагудек бўлиб кетди. Пақананинг ингичка овози ҳаммаанингини ичида баралла эшитиларди.

— Тўри айтасен, сенинг асбобинг қўлимга тушиб қолди... — бироз ўйланиб деди Орик... — Айтдим-а, нега чоғроқ деб... Қўзининг йиллиғи бор, яхши кўрмайди-да... Бу уйда чоғу асбоблари чиндан кўп экан, ўнгдайм, чапдам асбоблар қалашиб ётибди... Мен камонни қидирялман. Қўзим яхши кўрмайди-да... Айтиб юбор-чи: унис камонни, буниси камонми?..

Давоми
келгуси сонда.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридagi «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 8,12,15,19,22,26,29 июль ва 2,5,9,12,16,19,23,26,30 август кунлари ўтказиладиган ким ошди савдоларига таклиф этади!

Савдоларда Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заргарлик кўчасида жойлашган минимаркет ва савдо мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи қўйилади:

- сатҳи 0,02 га дан бўлган иккита ер участкаси. Бошланғич нархи 2 967 768 сўмдан.
- сатҳи 0,045 га бўлган ер участкаси. Бошланғич нархи 2 876 101 сўм.

2005 йилнинг 9,12,16,19,23,26,30 август ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 сентябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилади:

Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «ТА-ПОИЧ» ДАЖнинг 1993й. и/ч, д/р 10АТ 323 бўлган РАФ-220301 русумли а/в. Бошланғич нархи 869 881 сўм.

Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 1-бинода жойлашган Давлат дон инспекциясининг 1995й. и/ч, д/р 10АЛ 123 бўлган ВА3 21060 русумли а/в. Бошланғич нархи 711 073 сўм.

Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73 «Б»-уйда жойлаш-

ган «Davavianazorat»нинг 1995й. и/ч, д/р 10АЗ 124 бўлган ГА3-310200 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 900 000 сўм.

М.Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 235-уйда жойлашган Тошкент вилоят табиати мўҳофаза қилиш қўмитасининг 1995й. и/ч, д/р 10АВ 836 бўлган УАЗ-31512 русумли а/в. Бошланғич нархи 376 005 сўм.

Тошкент шаҳар, Магбоотчилар кўчаси, 9-уйда жойлашган УЗб.Респ. МХХ Автотранспорт хизматининг 1998й. и/ч, д/р 10АЕ 245 бўлган ДЭу «Нексия» русумли а/в. Бошланғич нархи 2 290 500 сўм.

Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 «А»-уйда жойлашган УЗб. Респ. Иқтисодиёт Вазириги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1995й. и/ч, д/р 10АР 679 бўлган ГА3 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 110 956 сўм.

Шўнингдек, Тошкент шаҳри ҳудудига жойлашган ер участкасига узок муддатли ижара ҳуқуқи:

Учтепа тумани, Уйғур ва Тўқимачи кўчалари кесишмасида, сатҳи 0,055 га. бўлган савдо ва маиший хизмат қўрса-

тиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси. Бошланғич нархи 1 309 000 сўм.

Юнусобод тумани, 13-мавзе, М.Мирзаев кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган икки қаватли савдо-маиший хизмат қўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси. Бошланғич нархи 2 281 068 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00да, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархидан 5% миқдорда, қолган объектлар учун бошланғич нархидан 10% миқдордаги закат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мо-вароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Теле-фонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ТОШОЙНА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ХАБАР

1. 7-рақамли хабар. Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузилган сана тўғрисида қабул қилинган қарор санаси – 2005 йил 30 май.

2. 9-рақамли хабар: 9.1. Муҳим воқеанинг номи – умумий йиғилиш қарори.

9.2. Умумий йиғилиш тури – навбатдаги, йиллик.

9.3. Умумий йиғилиш шакли – очик.

9.4. Умумий йиғилиш ўтказилган сана – 2005 йил 30 июнь.

9.5. Умумий йиғилиш ўтказилган жой – Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 298.

9.6. Умумий йиғилиш қворуми – 1955518 та овоз берувчи акция ёки 97,7759%.

3. Жамият акциядорларининг 2005 йил 30 июндаги умумий йиғилиши-да бюллетенлар орқали берилган овозлар ЯКУНИ

№	Қўй тартибига киритилган масалалар	Тарафдорлар		Қаринилар		Бетарафлар	
		акциялар сон	фони	акциялар сон	фони	акциялар сон	фони
1.	Жамиятнинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
2.	Жамият қўзғатув кенгаши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
3.	Жамият тафтиш комиссияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
4.	Аудиторлар ҳисоботини тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
5.	Жамиятнинг қайта тузиш йўли билан фаолият юргизишни ўзгартириш тўғрисидаги тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
6.	Йиллик ҳисобот, бухгалтерия билан, фойда ва зарар ҳисобидан тасдиқлаш	1952677	99,8547	1378	0,00695	1263	0,064586
7.	Жамият аудитори тасдиқлаш	1954419	99,9438	802	0,011012	297	0,015188
8.	Жамиятнинг қўзғатув кенгаши аъзоларига сайланиш	194552	99,9596	966	0,49399	0	0
9.	Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига сайланиш	194552	99,9596	966	0,49399	0	0

4. 10-рақамли хабар. Сайлов натижасида Х.К.Раҳматов, Ш.Т.Шайхудинов, А.А.Ягудик, М.Холмирзаева ва Т.Т.Ишанхановлар – қўзғатув кенгаши, М.А.Разиқова, Л.В.Москварцева, О.П.Мирқасимова, А.Р.Абдуллаев ва Х.Ш.Азизовлар – тафтиш комиссияси аъзоларига сайландилар.

4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши очик овоз бериш йўли билан ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Жамиятнинг, шу жумладан унинг ижроия органи ва қўзғатув кенгашининг 2004 йил амалга оширган иш фаолияти маъқуллансин ва берган ҳисоботлари тасдиқлансин.

2. Жамият тафтиш комиссияси иш фаолияти қониқарсиз деб топилсин ва унинг янги таркибидан ишни жонлантириш талаб этилсин.

3. Жамиятнинг 2004 йилги йиллик ҳисоботи, шу жумладан: бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисобовараклари тасдиқлансин.

4. Жамият молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишнинг аудиторлик ҳулосаси тасдиқлансин.

5. Жамият аудитори сифатида юридик шахс бўлган «Прогресс-2» масъулияти чекланган жамият тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ миқдорининг юқори чегараси иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ижроия орган тузадиган шартнома орқали белгилансин.

6. Жамият қўзғатув кенгашининг 2003 йил 24 декабрдаги қарори асосида 1945373 дона қўшимча акция чиқарилиб, шу кунга қадар улар тўлиғича жойлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва бу масала юзасидан ижроия орган олиб борган иш маъқуллансин.

7. Жамият бош директори ишлаб чиққан «Корхона молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва ривожлантириш Дастури»ни бажариш мақсади ва «Акциядорлик жамиятлари» ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»

ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Акциядорлик жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш» тўғрисидаги Х бўлимининг 95 - 100-моддаларига асосланган ҳолда (1-рақамли хабар):

7.1. Жамиятнинг очик акциядорлик жамияти шаклидаги ҳуқуқий ҳолатини сақлаган ҳолда, унинг сафидан, 2005 йил 30 июнь ҳолатига унда мавжуд бўлган барча турдаги шартномавий ва молиявий мажбуриятларини, яъний солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳар хил турдаги корхона, ташкилот ва муассасалар олдидаги кредиторлик ва дебиторлик қарзларини ўз зиммасига олувчи (ёки зиммасига ўтказган ҳолда), жамиятнинг банклардаги миллий ва чет эл валюталаридаги ҳисоб рақамларига ҳамда шу кунгача мавжуд қарзлари акс эттирилган барча ҳужжатларга эгалик қилувчи корхона сифатида – «Тошойна» деб аталувчи ташкилот, шўба корхонаси шаклида, ажратиб чиқарилсин.

7.2. Юқоридagi шартлар асосида ажратиб чиқарилган, бундан буён «Тошойна» деб аталувчи шўба корхона балансида, жамиятнинг унга ўтказаятган мажбуриятларини таъминлашга етарли бўлган мулкни ўтказиб берилсин ва унинг жамият бош директори томонидан тайинланажак раҳбариятидан, жамиятнинг унга ўтказган молиявий мажбуриятларини бажаришини таъминлаш талаб этилсин.

7.3. «Тошойна» деб аталувчи шўба корхона жамият сафидан ажратиблиб чиқарилганлиги муносабати билан:

7.3.1. Бу шўба корхона Уставини тайёрлаб, тасдиқлаш, бошлигини тайинлаб, унинг зиммасига корхона бурчак тамғаси ва муҳрини тайёрлатиш, солиқ идорасидаги рўйхатга тегишли ўзгартириш киритилишини таъминлаш ва бошқа ишларини ташкил этишни юклаш;

7.3.2. Жамиятга, давлат статистика органи билан келишилган ҳолда «Markaziyosyotrans», «O'rtaosyotrans», «Osiyotrans», «Regionaltrans», «Globaltrans» ёки шунга ўхшаш бошқа фирма номи бериб тегишли рухсатнома олиш;

7.3.3. Жамият Уставини унинг асосий фаолияти ва фирма номи ўзгарганлигини ҳисобга олиб, тахрир этган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиб, унинг янги бурчак тамғаси ва муҳрини тайёрлатиб олиш, унга танланган банклардан бирида миллий ва хорижий валюталардаги янги ҳисоб рақамлари очиб ҳамда солиқ идорасида рўйхатга қўйиб ҳамда бу ишлар билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш ижроия орган зиммасига юклатилсин ва бу ишга қўмаклашиш, жамият қўзғатув кенгашидан талаб этилсин.

7.4. Жамият юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда қайта ташкил этилиши ва унинг фирма номи ўзгартирилиши муносабатлари билан:

7.4.1. Тегишли ҳолларда унинг Устав фондиди ўзгартириш (кўпайтириш ёки камайтириш);

«Toшойна» очик акциядорлик жамиятининг жисмоний ва юридик шахсларга тегишли барча акцияларини янги фирма номига эга жамият чиқаражак акцияларга, қиймати ўзгартирилмаган ҳолда, алмаштириб берилишини таъминлаш ҳамда бу ишлар билан боғлиқ бошқа вазифалар жамият қўзғатув кенгаши зиммасига юклатилсин ва бу ишга қўмаклашиш, жамият ижроия органидан сўралсин.

7.4.2. Жамият бош директори Р.Абдуллаев билан 2003 йил 10 апрелда тузилиб, 21 апрелда «Тошойна» акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тасдиқланган «Контракт с руководителем открытого акционерного общества «Тошойна» Р.Абдуллаевым», деган шартномаси шартлари ўзгаришсиз қолсин ва бу ҳужжат 2008 йил 10 апрелга қадар ўз кучини йўқотмаслиги белгилаб қўйилсин.

7.4.3. Жамиятнинг 2005 йилнинг шу давrigа қадар олган даромадлари ўз тасарруфида қолади.

7.5. Амалдаги қонунларда ва жамият Уставида кўзда тутилган, юқорида белгиланиб, жамиятни ажратиб чиқаришни амалга ошириш билан боғлиқ қолган барча ишларни ҳал этиш ваколати жамият қўзғатув кенгашига берилсин.

Овоз бериш натижаси: яқдиллик билан.

Жамият қўзғатув кенгаши

«Toшойна» ОАЖнинг аффилиланган жисмоний ва юридик шахслари
РЎЙХАТИ

№	Аффилиланган жисмоний ёки юридик шахснинг Ф.И.Ш. ёки номи	Паспортнинг			Манзилгоҳи	Лавозими	Акцияларнинг	
		рақами	берилган жойи	санаси			сон, дона	улуши, фоз
1	Абдуллаев Рустамжон	СН 0964759	Наманган вилояти Норин тумани ИИБ	1999.29.05	Тошкент ш., Ялғочлик даҳаси, 107-уй, 62-хонадон	Бош директор	0	0,00000
2	Арипов Фарух Тагаевич	СА 1985770	Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани ИИБ	2004.12.02	Тошкент ш., Хувайдо кўча, 1-пр., 35-уй	Бош муҳандис	301706	15,08330
3	Ишанханова Танзиля Тагировна	СА 0027943	Тошкент шаҳар ИИБ	1995.22.02	Тошкент ш., Устаёв кўчаси, 130-уй	Қўзғатув кенгаши аъзоси	1051	0,05255
4	Раҳматов Хикматулла Курбанович	СА 1899082	Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани ИИБ	2003.03.06	Тошкент ш., 1-пр., М.Обилов кўчаси, 49-уй	Қўзғатув кенгаши раиси	504222	25,21110
5	Холмирзаева Мухтабар	ЮС 583394	Тошкент шаҳар ИИБ	1978.15.03	Тошкент ш., Қорасўй д-си, 11-уй, 19-хонадон	Қўзғатув кенгаши аъзоси	934	0,04670
6	Шайхудинов Шамил Турсунович	СА 434278	Тошкент шаҳар ИИБ	1996.15.07	Тошкент ш., Қорасўй кўчаси, 5-пр кўча, 1-уй	Қўзғатув кенгаши аъзоси	702	0,03510
7	Ягудик Алла Абдурауновна	СА 586749	Тошкент шаҳар ИИБ	1996.01.08	Тошкент ш., Троицкий кўча, 11-уй	Қўзғатув кенгаши аъзоси	1171	0,05855
8	TSI Associates S.A.				Швейцария, Женева ш., де Шателле кўча, 1-3		12410	0,62050
9	«Temir bezak» МЧЖ				Тошкент вило. Қийрай тум., Салор ш., Қарамурғ кўча		666665	33,33333
10	«Silver road» МЧЖ				Тошкент ш., Ҳамза тумани, М.Ҳасанов кўча, 6-уй		433335	21,66667

Футбол

КОШЕЛЕВ —
"ШИННИК"
САФИДА

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи давраси якунланди. Ана шу қисқа таътил пайтида жамоалар таркибида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Гап шундаки, мамлакат чемпиони "Пахтакор" жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиларидан бири, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Леонид Кошелев Ярославга йўл олди. Ўз омадини Россия дивизиони жамоалари таркибида синаб кўришни ният қилган Леонид "Шинник" жамоаси мураббийлари кўригидан муваффақиятли ўтди. Энди у жорий йилги футбол мавсумини "Шинник" таркибида Ўзбекистон терма жамоасининг дарвозабони Евгений Сафонов билан бирга ўтказди.

ЁШ

ПАХТАКОРЧИЛАР
УКРАИНАДА

Миллионлар ўйини — футбол тарраққетида болалар футболни ривожининг аҳамияти жуда катта. Шу боис ҳам кейинги йилларда болалар футболни янада ривожлантириш, футбол мактаблари фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Украинада ҳар доим болалар ва ўсмирлар жамоалари иштирокида "Оболон-2005" халқаро турнирини ташкил этиш одат тусига кирган. Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Қувончли томони, 1993 йилда турилган болалар ўртасида уюштирилаётган ушбу турнирга иқтидорли мураббий Мирон Ким етакчилигидаги "Пахтакор" футбол мактаби жамоаси таклиф этилди. Биз ёш пахтакорчиларга омад тилаймиз.

МАШҒУЛОТЛАР
БОШЛАНДИ

Маълумки, ҳозирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини англиялик мутахассис Колин Тоал бошқармоқда.

Халқаро миқёсдаги мусобакаларда муваффақиятли иштирок этишни ният қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари шахримизда навбатдаги машғулот йиғинларини бошлашди. Мамлакатимизнинг 23 нафар истеъдодли футболчиларини ўзида жамлаган ёшлар терма жамоасида машғулотлар давомида эронлик тенгдошлари билан ҳам ўртоқлик учрашувида майдонга тушибди.

Машғулотлар чоршанба кунига қадар давом этади.
(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг маъмурияти ва жамоаси, госпитал ва факультет жарроҳлиги урология курси билан кафедрасининг ходимлари профессор Б.З.Турсуновга фарзанди

Умиджон ТУРСУНОВНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай эса-да Юртбошимиз томонидан асос солинган мазкур тизимнинг илк — мевалари ҳосил бера бошлади. Қисқа фурсатда ёшларни оммавий спортга жалб этиш, келажак воқисларининг маънавий, жисмоний имкониятларини юзага чиқариш ва рағбатлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Агар шахримиз бўйича спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 190279 нафар спортсевар ўсмирларнинг 67748 нафари, яъни 34,0 фоизи қиз болалардан иборат эканлигини ҳисобга олсак амалга оширилаётган ишлар кўламини тасаввур этиш қийин бўлмайди.



Болалар спортини

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан амалга оширилган ҳамда истиқболдаги режалар таҳлиliga бағишланган семинар йиғилишида бу борадаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

Унда шахримиздаги қирққа яқин Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари етакчилари, услубчилари, шаҳар «Қамолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари фаоллари иштирок этишди.

Семинарда пойтахтимизда 2003-2005 йиллар мобайнида болалар спортини ривожлантириш борасида эришилган ютуқларга эътибор қаратилди. Шу йиллар мобайнида шахримизда 8 та болалар спорт мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилган. Ҳозирда уларда жами 104 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, 3886 нафар ўқувчи жалб этилган. Тўғрақларда шуғулланаётганларнинг 1332 та-

сини қизлар ташкил этади. Бундан ташқари ўқувчи ёшларнинг дам олиш кунларини мароқли ўтказиш учун болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан тасдиқланган жадвалга кўра ҳар ойнинг ахширба кунлари «Очқоқ эшиклар кунлари» спорт тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилга мўлжалланган дастурга 3 та янги қуриладиган, 6 та таъмирланиши зарур бўлган спорт иншоотлари қиритилди. 5 та болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилган. Шахримиз ҳудудидида жами 117 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва лицейлар мавжуд бўлиб, улардаги 67,2 фоиз талаба ёшлар спорт секцияларига жалб этилган.

Тадбирнинг ўзаро фикрлашув, баҳс-мунозара руҳида ўтиши ҳал бўлиши лозим ҳисобланган, йиғилиб қолган муаммолар ҳам борилигидан далолат беради. Жумладан, ҳалигача ягона шакл-шамойилга эга спорт кийимларининг яратилмаганилиги, тажрибали мураббийларни мод-

дий ва маънавий кўллаб-қувватлаш борасида муаммолар мавжудлиги, туманларда болалар ва ўсмирлар мажмуаси мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир камчиликлар сезилиши сингари долзарб масалалар йиғилиш катнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари семинар йиғилиши иштирокчилари шахримиздаги намунавий «Умид» болалар спорт мажмуаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Таъкидлаш мумкинки, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидида қад ростлаган мазкур спорт иншооти 2003-2004 йилларда қурилиб фойдаланишга топширилган спорт мажмуалари ичидида ўзининг шинамлиги, замонавий андозаларга мослиги, спорт жиҳозларининг қулайлиги билан ажралиб туради. Мазкур болалар спорт мажмуасида 13 та тажрибали мураббий спортнинг кўпгина турлари бўйича, жумладан, 19 та секция доирасида ўсмирлар билан шуғулланади. 768 нафар спортсевар ўсмирнинг 263 тасини қизлар ташкил этади.

Анжуман иштирокчилари «Умид» болалар спорт мажмуаси билан ақиндан танишар экан, ўзлари раҳбарлик қилаётган болалар ва ўсмирлар мажмуаларида ҳам бу борадаги ютуқларни жорий этишга келишиб олдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Футбол

«ЛОКОМОТИВ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи давраси шахримизда ўтказилган «Локомотив» — «Бухоро» жамоалари учрашуви билан нихоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 18 июнда Тошкентда кўтарилган кучли шамол туфайли «Локомотив» — «Бухоро» жамоалари учрашуви биринчи бўлим якунланмасиданоқ тўхтатилган ва бошқа кунга қолдирилганди. Қизғин, футболчимиз мутасаддилари спорт принциплари амак қилган ҳолда кунга кечиб ўтган ушбу баҳсини учрашув тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттиришни лозим кўришди. Шу боисми, жамоаларнинг майдонда бор-йўғи 10-12 дақиқа ўйнаб танаффусга чиқишлари ҳаммага ғалати туюлди. Бундан ҳам қизғин, 12 дақиқалик биринчи бўлимга қўшиб берилган вақтда меҳмонлар футболчиси Илхом Юнусовнинг кучли зарбаси пойтахтликлар дарвозасининг ишғол этилиши билан якунланди. Эътиборлиси, аввалги учрашува бухороликлар томонидан киритилган голни ҳам қўшиб ҳисоблаганда иккинчи бўлимни жамоалар 0:2 ҳисобида бухороликлар ғалабаси билан бошлаш-

ди. Ушбу мағлубият жорий йилги мавсумда ҳам совинли ўринлар учун курашаётган тошкентлик футболчиларни асло қониктирмади. Шу туфайлими, иккинчи бўлим мезонларнинг тўлиқ устултигида ўтди. Меҳмонлар дарвозаси томон уюштирилаётган шиддатли ҳужумлар натижа-сида «Бухоро» жамоаси дарвозабони тўрт марта ҳаёт қилишга мажбур бўлди. Пойтахтлик мухлисларга қувонч бахш этган тўпларни дарвозага Илтифат (2 та), Клишин ва Ҳалимтоевлар кири-тишди. Темирийўлчиларнинг ушбу ғалабаси уларга муҳим очколарни ҳаля этди ва «Локомотив» турнир жадвалининг тўртинчи поғонасига кўтарилиб олди.

Шундай қилиб мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи давраси ҳам якунланди. Эндиликда олий лига жамоалари маълум муддатли танаффусга чиқишди. Иккинчи давра баҳслари 5 августдан бошланади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ХАРИДЛАР ХАЙРАН
БЎЛАДИ

12 ИЮЛЬ, СЕШАНА

Бугун шовша-шошарлик, саббасиз хатти-ҳаракатлардан, хом-хатала қарорлар қабул қилишдан қочиш, ҳар бир қадамни пухта ўйлаб босиш талаб этиладиган кунлардан бири. Бугун узок муддатли контрактлар тузиш, муҳим ҳужжатларни имзолаш, тижорат ва савдо-сотик билан шуғулланиш мумкин. Заргарлик зеб-зийнатларини ва қимматбаҳо тошлардан ясалган кўзли узук ва зиракларни харид қилиш хайрли бўлади.

Ерда — яъни томорқа ерлари, дала ҳовлилари ва чорбоғларда ишлаш, чорва молларини парварши-лаш ҳам фойдали бўлади. Қушлар ва итларни тўйдириш, тиламчиларга садақа бериш, беморларга ҳам-ўрлик қилиш керак. Муҳаббат ва яра-шишлар учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади.

Айни пайтда Қуёш ва Марс энергияларининг ўзаро таъсири Ерда бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун жуда ҳушёр ва эҳтиёткор бўлишга ҳаракат қилинг. Жароҳатланишдан, биров жойингизни кесиб ёки қуйди-риб олишдан ўзингизни асранг.

Унутувчанликдан ҳам ўзингизни эҳтиёт қилинг: йўлда учраган ҳам-роҳингизнинг севтавозе илтифотла-рга алданманг ва буомларингиз, нарсаларингизни қаровсиз қолди-рманг. Чунки бепарволигингиз панд ейишингизга сабаб бўлиши мумкин. Пойабзалингизнинг йиртилиши —

сизга нисбатан уюштирилиши мум-кин бўлган тажовузкорликдан огоҳ-лантиришдир. Қўлингиздаги бирор нарсанинг синиши ёки уй ҳайвонла-рининг сизга нисбатан даргазоб бўлиши — нохушликлар аломати ҳисобланади.

Бу кеча қўрилган тушлар ҳам ол-динги кечалардагидай эътибор қилишга арзимайди. Бугун буйракларингизни эҳтиёт қилишингиз керак бўлади. Товуқ гушти ва тухум ейиш тасвия этил-майди. Зеро, улар бугун саломат-лигингизга салбий таъсир этиши мумкин.

Либослардан ёрқин бўлмаган, ярқ этиб кўзга ташланмайдиганлар-ни кийинг. Ялтироқ ранглардан, айниқса қизил, сариқ ва сиёҳранг тусли кийимлардан нарироқ бўлинг.

БУГУН:

— тезда якунлай оладиган ишлар билан шуғулланиш;
— зарур моллар, маиший ва электрон техника, ўйинлар харид қилиш;

— иш жадвалини тузиш, эксперт-иза ўтказиш, хизмат суриштируви-ни ташкил этиш;
— нотўлиқ ва ақётрлик қобилия-тини намоён этиш;

— норасмий шартнома амалий шерикларингиз ва ўзингизга керак-ли бошқа кишилар билан учрашиш тасвия қилинади.

Шартномалар, контрактлар ва бошқа амалий ҳужжатлар билан бе-парво муносабатда бўлишдан ўзин-гизни асранг.



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-2970;

эълонлар —

133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
услулида босилди.
2496 нускада босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойларга почта бўғимларига ёки «Тошкент
почташига» 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.